



# Ishonch

**Меҳнат инсонни учта асосий мушкулот — зеркиш, ёмон хулқ ва муҳтожликдан халос этади.**  
— ВОЛЬТЕР —

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



## Фарзандларимга

*Яшангиз энг аввал ўзликни англаб,  
Туқ мағизи бўлинг ишқ деган жоннинг.  
Аъмолингиз айтиб суйсинлар яйраб,  
Гул, ялпизи бўлинг Ўзбекистоннинг.*

*Мардлари кўп юртга ёғийлар келмас,  
Майдони, марди йўқ эл асли элмас,  
Хақ йўлда титрамас, ёвга эзиммас,  
Тикка тизи бўлинг Ўзбекистоннинг.*

*Дунё холи эмас галамислардан,  
Нафиса кул бўлган турфа туслардан,  
Тиллони фарқламоқ учун мислардан,  
Хушёр кези бўлинг Ўзбекистоннинг.*

*Ҳар кимда уй бўлсин кетсанг — қутгани,  
Ўз тупроғи бўлсин кўзга суртгани,  
Ватан мангулигин куйлаб ўтгани,  
Чанқовузи бўлинг Ўзбекистоннинг.*


*Айланар оламнинг кўклами, ёзи,  
Кимнинг кимлигини ўлчар тарози,  
Шоир онам бўлсин десангиз рози,  
Ўғли, қизи бўлинг Ўзбекистоннинг.*

Замира РҮЗИЕВА



Тошкент — 2200 ёшда

## Тарихимиз, бугунимиз ва келажакимиз бешиги



ТОШКЕНТИ АЗИМДА ЯШАШ БАХТИ

«Мустақиллик» метроси томондан оппоқ кийинган бир отахон келиб, «Қизим, Чорсуга пийда қандай борса бўлади? Тошкент жудаям ўзгариб, чиройли бўлиб кетганидан илгари юрган йўлларимни тополмай қолдим. Телевизордан кўргандим, эшитгандим, аммо ҳозир ўз кўзим билан кўриб, ҳақиқатан шаҳар шундай таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганига гувоҳ бўлиб турибман», — деб қолди.

Отахонга Чорсуга пийда бориш узоқлик қилишини ўйлаб, транспорт рақамини айтиб, шу автобусларда тезроқ бориш мумкинлигини тушунтирдим. Аммо у эътироз билдириб, «Қизим, шошиланган жойим йўқ. Атайлаб пийда юрмоқчиман», — деди.

Мен Чорсуга бориш йўлини тушунтириб, отахонни бироз кузатиб турдим. У шошиланган Мустақиллик майдонидаги фавворалар ёнига бориб, сувга узоқ тикилди-да, сўнг майдон марказида жойлашган Бахтиёр она ҳайкали қаршисида унсиз туриб қолди. У шу кунларга етказганига шукроналар айтаётганини ҳис қилдим. Хали Чорсуга боргунча отахон қанча чиройли жойлардан ўтишини ўйлаб, шундай гўзал пойтахтда яшаётганимдан гурурланиб кетдим.

БҮГҮН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚИЁФАСИ ТЕНГИС

Гоҳо кишлоғимдан қайтаётганимда юртдошларимнинг «Ҳа, Тошкентга кетаясанми?» деган сўровидан менга ҳавас қилаётганларини туйиб, фخرланиб кетаман. Бу шундай ҳаваски, Тошкентдек пойтахти азимда яшаш, шу ерда ишлаш бахтини кишлоқдошларим яши тушунишади. «Худо хоҳласа, йўлимиз тушса, бизни бир айлантирасан-да! Тошкентга бормаганимизга ҳам анча бўлди», — дейишади.

Ҳа, бир бор кўришга муштоқ бўладиган, узоқлардан келиб томоша қилишга арзийдиган шаҳар — Тошкентимиз бугун 2200 ёшда! Ҳар фаслда ўзгача қиёфа касб этганидан пойтахт ёзда жуда гўзаллашиб кетади. Кўёш жилвасида турли рангга қизиб, шаҳар хавосига салқинлик бағишлаётган фаввораларнинг нафасидан бахри дилинг очилади.

Шаҳарнинг кўрkingа айланган Мустақиллик майдони шу кунларда хорижликлар билан гавжум. Тўп-тўп бўлиб юрган бу сайёҳларни шаҳар билан таништираётган ёшгина ўзбек қизига ҳавасим келди. У инглиз тилида равон сўзлар, юртимизнинг гўзал гўшаларини таърифлашдан завқ олаётгандек эди.

Юртимизга хорижлик сайёҳлар турли ўлкалардан келган бўлсада, уларнинг нияти битта — Ўзбекистон пойтахти Тошкентни томоша қилиш.

— Бизда Тошкент катта таассурот қолдирди. Одамлари меҳмондўст. Хатто, метрога тушиб қолсак, бу ерда меҳмонлигимизни билиб, ҳурмат қилиб, жой бўшатишади. Ҳозир Мустақиллик майдонини томоша қилгач, Ҳазрати имом мавзесига бораемиз. Айтишларича, бу ер Тошкентнинг энг гўзал жойларидан экан, — дейди ўзини Жон Майер деб таништирган канадалик 60 ёшли сайёҳ.

Пойтахтимиздаги меҳмонларнинг барчаси шаҳримиз ва тошкентликлар тўғрисида шундай фикрда. Олдимгина кийинган бу кишилар дунё кезиб, шаҳар айланиб юртни юртдан ажратиб олиши осон. Тошкентимиз уларга ёққанидан бошимизга осмонга етди.

ТАБАРРУК ЁШИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!

Хорижликларнинг пойтахтимизга қизиқишини, бу шаҳарни томоша қилишга иштиёқи баландлигини билгач, шу сайёҳлар орқали шаҳримиз таърифи узоқ ўлкаларга ҳам етишини англаб, хушудлигимиз минг чандон ошиши тавба.

Ўтган йиллар шамоли пойтахт шаҳарни не қўйларга солмаган, дейсиз. Мустақиллик йилларида эса Тошкент ўзининг асл, қиёфасига эга бўлди. У бугун муборак ёшда. Бу рақамни тилга олар экансан, унда йиллар садоси акс этади. Ўтмиш ва келажакка назар солиш учун теран нигоҳ, кенг дунёқараш, ҳадсиз билимнинг ўзи киёф қилмайди. Бунинг учун юрагимизда шу йилларга таъмасиз ҳурмат ҳам бўлиши зарурлигини пойтахтимизнинг табаррук ёши барчамизга انگлатиб тургандай гўё.

Оразгул РУСТАМОВА,  
«Ishonch» мухбири



Иззат ХИКМАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

Қадриятларимиз

## Сулолага эҳтиром

Оила — муқаддас даргоҳ. Ана шу даргоҳда ўзига хос анъана ва қадриятларнинг шаклланиши сулолани пайдо қилади.

Шовотлик Пировлар сулоласи юз йиллик анъанага эга.

— Матчон охун буваимиз инқилобдан олдинги даврларда мадрасада сабоқ берган. Машхур муаллим ва жамоат арбоби Матрасул Худойберганаев отамнинг оғаси. Амаким Собиржон Матчонов биология ўқитувчиси бўлиб, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Отам Абдумалик Пиров мактаб директори бўлиб ишлаган. Онам Раҳимахон Отахонова эса тарих ўқитувчиси бўлган, ҳозир пенсияда, — дея хотирлайди тумандаги 5-мактаб ўқитувчиси, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Илҳом Пиров.

Абдумалик ота ва Раҳимахон она 10 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб улғайтирди. Уларнинг 6 нафари ота-она изидан борангити.

— 4 келиним ҳамда 3 кўвем ўқитувчи, невараларим орасида ҳам касбимиз давомчилари борлиги мени

хушнуд қилади, — қўшиб қўяди Раҳимахон она.

Урганчилик Қодир ота ва Екатерина ая Отахонова ҳам ҳаётини муаллимликка бағишлаганлардан. Ота-онандан кўп эзгу фазилатлар қатори ушбу касбга бўлган ҳурмат ва садоқат ҳам фарзандларга кўчди. Эндилкида уларнинг барчаси шу соҳада самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қўшқўрлик Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Собир Курёзов ва халқ таълими аълочилиси Гавҳар Жуманиёзованинг касбини эндилкида қизлари Қувонч, Фазилат ва Хурсанд, ўғли Жалолиддин давом эттираётди.

— «Оилам — фахрим» деб номланувчи педагоглар оилавий слётига тайёргарлик жараёнида вилоятда бундай оилалар кўплигига гувоҳ бўлдик, — дейди таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова. — Бу бизни бениҳоя қувонтирди. Ахир, ота-она шахсий ибрат кўрсата олсагина, фарзандлар уларга чинакам давомчи бўлишади.

Ёш авлод қалбиди ватанпарварлик, аждодларга, оилавий, миллий анъаналарга ҳурмат ҳиссини юксалтириш ҳамда муаллимларни улуғлаш, педагоглар оилавий сулолаларини қўллаб-қувватлаш каби кўплаб мақсадларни олдига қўйган ушбу слёт Хива шаҳрида бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ва туманлардан таълим-тарбия тараққиётига ҳисса қўшган, эл-юрт хурматиغا сазовор кўнрали 13 та сулола (ҳар сулоладан 5 кишидан иборат вакил: ота-она, ўғил-қиз, невара) тақдиф қилинди.

Қадим ва навқирон Хиванинг Ота дарвозаси олдидаги илқ суҳбатдан сўнг гўзал шаҳарга саёҳат уюштирилди. Кураги ер кўрмаган пири комил Пахлавон Маҳмуд мақбараси зиёрат қилинди.

Тадбир якунида оилавий сулолалар вакиллари вилоят кенгаши томонидан тайёрланган «Эҳтиромнома» ва қимматбах оловлар топширилди.

Мухаббат ТҮРАБОЕВА,  
«Ishonch» мухбири

Фаровонлик

Кўмкўргондаги «Жалойир» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 8 та умумтаълим мактаби, 5 та мактабгача таълим муассасаси, 20 дан зиёд фермер хўжалиги, пахта қабул қилиш пункти, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, клуб, спорт ўйингоҳлари ўзига яраша фойда бахш этиб турибди.

## «Жалойир» обод бўлаётир

— Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилаларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Тоза ичимлик суви, табиий газдан узиллишлар йўқ. Айни чоғда, маҳалла гузарни, бозорча, замонавий супермаркет, ошхона, чойхона қурилиши ҳомиёлар хисобидан бошлаб юборилди. Шунингдек, йил якунигача минимаркет, умумий овқатланиш объекти, новвойхона, компютер ўқув марказлари қуриш мўлжалланаяпти. Бу режалар амалга ошгач, яна 240 та янги иш ўрни яратилади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Самандар Абдувоҳидов.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ishonch» мухбири

Ёз — ўтмоқда соз

## Оромгоҳга касаба уюшма совғаси

Булоқбоши туманининг Ширмонбулоқ кишлоғида жойлашган «Шифокор» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида кўтаринки кайфият ҳукмрон. Бу йилги мавсумда 600 нафардан зиёд ўқувчи маза қилиб хордик чикаради.

Бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бу мавсумда оромгоҳни янги мебеллар билан таъминлагани айни мўддао бўлди. Ажойиб табиат манзаралари, меҳрибон мураббийлар, турли тўғараклар, бой кутубхона, қизиқарли экскурсия ва учрашувлар, ширин таомлар — буларнинг бари болаларга дам олиш мавсумини мароқли ўтказиш имкониятини яратмоқда.

Абдулхай ЮНУСОВ,  
«Ishonch» мухбири

Огоҳликка даъват

Қашқадарё вилоятининг Гузур туманида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидаларистикнинг олдини олишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг диний ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари директорлари, қишлоқ ва маҳалла имомлари, хукук-тартибот идоралари ходимлари иштирок этди.

## Юрт тинчлиги — бебаҳо

— Юрт тинчлиги — бебаҳо, — деди таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Э.Низов. — Осойишта, хотиржам ўтган кунларимизга шукрона айтиб, ватанамиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадрлар яратиларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чўқур синдириш биз касаба уюшма фаолларининг муқаддас бурчидир.

— Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, «Инсонга берилган икки неъмат бордир, бу неъматларни инсонлар кўп ҳам қадрга етмайдилар, бу — тинчлик, хотиржам-

лик ва сийҳат-саломатлик неъматидир», — деди туман бош имом хатиби А.Ғанжиев. — Зеро, ислом инсонларни бидъатга эмас, ҳидоятга бошлагувчи йўлдир. Шундай экан, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етайлик.

— Хонадон тинчлиги, юрт тинчлиги, — деди Шўртан газ кимё мажмуаси хотин-қизлар кенгаши раиси Юлдуз Аҳмедова. — Оилада ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарор бўлишида, солиҳ фарзандларни камол топтиришда онанинг, аёлниги ўрни бекиёсдир. Айнан шунинг учун ҳам жамоамизда меҳнат қилаётган 437 нафар хотин-қизларга фарзанд тарбияси учун кенг имкониятлар яратиб қўйилган.

Анжуманда тумандаги Бўстон, Зарбдор, Гулистон, Батош каби қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»-ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш вазифалари белгиланди. Айни вақтда, тумандаги ўқув юртлари ва меҳнат жамоалари «Огоҳлик — давр талаби», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Жаҳолатга қарши маърифат билан курашайлик» мавзусида мулоқотлар уюштирилаяпти.

Иззат ХИКМАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

Ғамхўрлик — асосий мезон

«Хисоролди нефт ва газ кидирув экспедицияси» шўба корхонаси «Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси таркибига бўлиб, Қашқадарё вилояти ҳудудида излов-қидирув ва ишлаб чиқариш қудуқларида чуқур бургулаш ишларини олиб боради.

Иш ҳам шароитга қараб

Беш юз кишилик фидоий жамоамизнинг уюшқоқлик билан қилган меҳнати туфайли кейинги икки йилда Феруза, Деҳқонобод, Шимолий Шуртан, Шимолий Тандирча каби ўндан ортиқ конлар фойдаланишга топширилди.

Хусусан, ўтган йили Тарнасой, Жанқара, Тўртсари майдонларида пармалаш ишлари ниҳоятга етказилиб, мамлакатимиз ёқилги-энергетика тармоғига қўшимча 1 миллиард 310 миллион кубометр газ, 115 миллион тонна газ конденсати етказиб берилди.

Тўққизта бургулаш майдонларида ва олти та ҳафта касаба уюшма ташкилотини фаолият кўрсатмоқда. Мураккаб шароитда меҳнат қилаётган «хазинатопар»лар ҳамisha ғамхўрлик оғушида. Айниқса, Намозбой-1, Учқўлсай-1, Шимолий Шуртан-17 каби бургулаш майдонларида ташкил этилган цех касаба уюшма ташкилотининг иши мактовга лойиқ.

Телевизор, радио бор, газеталарнинг

янги сонлари вақтида етказиб берилди. «Аланга» очик акциядорлик жамияти ошпазлари томонидан тайёрланаётган мазали таом ҳам корхона ҳисобидан. Вахта усулида ишлайдиган ишчилар учун транспорт воситалари ажратилган.

Бажарилган ишлар ҳажмига қараб ойма-ой мукофот пули берилади. Йил якунига қўра, ишлаб чиқариш илғорлари моддий ва маънавий хижатдан рағбатлантирилади. Бургулаш усталари, муҳандис-техник ходимлар корхона ҳисобидан уяли телефон билан таъминланган.

Ҳузур тумани марказида ишчи-ҳодимлар учун 70 ўринли замонавий ётоқхона ва спорт мажмуаси ишлаб турибди. Икки кишилик хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган бўлиб, телевизор, конденционер мавжуд. Тоза ичимлик суви ва газ таъминоти йўлга қўйилган.

Ходимлар саломатлигини тиклаш учун «Турон», «Чинобод», «Умид гулшани», «Мироқи», «Ситораи Мохи-хоса», «Қашқадарё соҳили», «Геолог» каби санаторийларда эъландан ортиқ ходимга йўлланма берилди. Дўстмурод Эркаев, Эшбуви Айтматов, Муҳаббат Тиловова, Абдумўмин Улжаев сингари ишчилар республика марказидаги санаторийларда даволаниб, соғомлаштирилди. Шаҳрисабздаги Беруний номидаги

дам олиш оромгоҳи жаҳон андозларига тўлиқ жавоб беради. Утган мавсумда 2 мингдан ортиқ бола соғомлаштирилган бўлса, шундан уч юздан ортиги Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятидан келган ўғил-қизлардир. Дам олувчилар шароитини яхшилаш учун 332 миллион сўм маблағ ажратилди. Болажонларимиз бу йилги ёз мавсумини яна ҳам қулай шароитларда ўтказишмоқда.

Қиш ва куз ойларида бургулаш ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларнинг дам олишини таъминлаш учун қўшимча шароит яратилиб, икки қаватли бино ҳордиқ қиқарувчилар ихтиёрига берилди. Бу ерда ҳар йили 350-400 киши дам олдирилади.

Корхона тушган фойда эвазига туман Ногиронлар, Қўзи оғизлар жамиятлари, «Экосан» ва «Маҳалла» жамғармаларига тўрт миллион сўмдан ортиқ хомийлик ёрдами кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, меҳнат аҳлининг соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий ҳимояси тўғрисида доимий ғамхўрлик курсатиш асосий ишимизга айланган.

Суннатилла БҲРИЕВ, «Хисоролди нефт ва газ кидирув экспедицияси» шўба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Марказий Осиё давлатларининг Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) билан ҳамкорлиги йилдан-йилга ривожланмоқда. ОТБ томонидан ажратилган маблағлар асосан, мавжуд халқаро транспорт йўлагини қайта таъмирлаш ва янги транспортинтен-тал йўлларни шакллантириш орқали минтақанинг транзит салоҳиятини оширишга йўналтирилган. Унда халқаро аҳамиятга эга бўлган автомобиль ва темир йўллар тизими муҳим аҳамият касб этади.

умумий суммаси 21,1 млрд. АҚШ долларидан иборат бўлиб, улар 2004-2008 йиллар давомида амалга оширилган «қиска мuddатли стратегия» ва 2008-2017 йилларга мўлжалланган «узок мuddатли стратегия»-дир.

Жумладан, ушбу давр мобайнида ОТБ томонидан Ўзбекистон

Ўзбекистон ва жаҳон

тонда 239,6 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги 7 та транспорт лойиҳасига қўра, умумий узунлиги 341 км дан иборат Самарқанд-Бухоро-Хождавалат темир йўлини қайта таъмирлаш, 220 км.лик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлини қуриш, Навоий-Учкудук (182 км) ва Самарқанд-Қарши (137 км) автомобиль йўлларини ҳамда А380 автомагистрални қайта таъмирлаш амалга оширилди.

2007 йил Душанбеда бўлиб ўтган ТСМҚнинг олтинчи конференциясида МОМИХ дастурининг 2008-2017 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган «узок мuddатли стратегия» муҳокама қили-

ниб, Ўзбекистон, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларидаги мавжуд халқаро аҳамиятга эга бўлган транспорт йўлакларини ривожлантириш орқали ОТБга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо ҳажмини ошириш ҳамда узаро транспорт харажатларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу даврда асосан Европа — Шарқий Осиё, Урта ер денгизи — Шарқий Осиё, Россия — Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё, Шарқий Осиё — Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё ҳамда Европа — Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё транспорт йўлак шакллантирилди.

2008-2017 йиллар давомида ОТБ томонидан 142 км. «Иркештон — Саритос — Ўш» (Хитой) — Қирғизистон) автомагистралини (58,6 млн. доллар) қуриб фойдаланишга топшириш, умумий узунлиги 1925 км бўлган Хитой — Қирғизистон — Қозғистон — Россия йўналишидаги «Шимолий коридор» (708,2 млн. доллар) ва Хитой — Қирғизистон — Тожикистон — Ўзбекистон — Афғонистон йўналишидаги «Жанубий коридор» (740,6 млн. доллар) қурилиши учун маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Йул — минтақаларни минтақаларга боғловчи қон томири. У қанчалар раво бўлса, юрак уриши ҳам шунчалар текис ва беҳавотир бўлади.

Мажид ЖҲРАЕВ, ЎЗМУ тадқиқотчиси



Орамиздаги одамлар

МИНИ ЗАВОД ҲАМ ҚУРИЛАДИ

Чортоқ туманидагина эмас, балки Наманган вилоятидаги таниқли фермер хўжалиқларидан бирига айланган ушбу жамоанинг етакчиси Расулжон Зоҳидов эндигина ўттиз бешга кираётганлигига қарамасдан, ақл ёшда эмаслигини исботлади. Собик Навоий номидаги жамоа хўжалигининг йўқлиги кетиш арафасига келиб қолган чорвачилик фермасини сотиб олиб, уни обққа турғазди. Эндиликда бу ферма махсуслот етиштириш соҳасидагина эмас, насадчилик, ишчи ўрни яратиш бўйича ҳам вилоятда олдинги ўринларда турибди. Албатта, бунга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ.

Касби иқтисодчи эмасми, сибсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада юз бераётган ўзгариш ҳамда янгиланишлар уни ҳам бефарқ қолдирмади. Ниятини айтганда, ака-укалари бажонидил қўллаб-қувватлашди. Шу тариқа, «Анортоғ» фермер хўжалиги юзага келди. Хайри иш кўпчилиги билан деганлари рост экан. Беш ака-ука бор маблағини бир ерга тўплашди. Қариндош-уруғдан қарз кўтарилди. Автоуловлари сотилди. Шундан сўнг томи бо-сиб қолиш даражасига етган молхона 61 бош ситири ҳамда 63 бош бузоғи билан қўшиб сотиб олинди. Қарасалар, бу билан иш битмайди. Банкдан кредит олиб, Германиядан «Голден-Фриш» зотли 47 бош бўдоғ ситир келтирилди. Қўп ўтмай, уларнинг 39 боши болалади. Жами моллари 300 бошдан ошди кетди.

Туман ҳокими Аъзам Султонов ҳафтада икки-уч бор хабар олиб турди. Икмон қадар умак, масалақат берди. Хўжалиқни юритиш учун уларга 60 гектар экин майдони ажратилди. Жамоа ахли 12 гектарда беда, 18 гектарда маккажўхори, 30 гектарда дон етиштирипти. Утган йил режада 125 фоизга урдаланган, ишловчиларнинг ҳар бирига 100 кг. дан бўғдой тарқатилган эмасми, бу йилги кайфиятлари ҳам чакки эмас...

— Қорамоллар махсусдорлиги, эришилётган натижалар қандай бўлган? — сураймиз Расулжондан.

— Сигирнинг сути тилида, деган гап бежиз айтилмаган. У нечғли яхши парвариш қилинса, махсусдорлиги шунча ортаваради. Утган йил вилоятимиз марказидаги «Нестле» қўшма корхона-сига 90 тонна сўт сотдик, умуман, чорвадан салкам 15 миллион сўм соф фойда кўрдик. Етиштираётган махсуслотларимиздан Наманган шаҳридаги тегишли ташкилотлар, касалхона ва болалар боғчалари ҳам наф кўрмоқда. 2008 йилнинг охирида тошкентликларга 25 тонна сифатли гўшт етказиб бердик, — дейди у.

Меҳнат қилиб, хали ҳеч ким кам бўлган эмас. Хўжаликда 60 га яқин киши ишлаяпти. Маош ҳам ўз вақтида бериб турилибди. Бепул тушлик ташкил этилган. Арзон баҳоларда гўшт, сўт бериш йўлга қўйилган. Белгиланган меҳнат нормасини ортиги билан урдалаётганлар рағбатлантирилмоқда.

Мулк соҳиблари амалдаги йилда соф фойда миқдорини 30 миллион сўмга етказишни мўлжаллашяпти. Яна кредит олиб Мучим қишлоғида чорва махсуслотларини қайта ишлайдиган мини завод қуриш ниятидалар. Режа амалга оғса, бўлажак корхонада 8 турдаги махсуслот тайёрланади. Шунингдек, 25-30 та иш ўрни ҳам яратилади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

Қонун барчага баробар

Қилмишига яраша

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, асосида тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг қўлайлик ва имтиёзлар яратилган. Аммо шунга қарамастан айрим топқоқ шахслар томонидан назорат қилин-майдиغان даражада олиш мақсадида, қонунга хилоф равишда хорижий валютани олиш ва ўтказиш билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Департаментнинг валютга оид жиноятларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлими томонидан ноқонуний хатти-ҳаракат-ларни фот этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жум-ладан, текзор тadbир натижасида фуқаролар Б.Ғафуров ва М.Ҳошим-овлар жиноий тил бириктириб, ноқонуний равишда харидор А.Мал-лаевга 19.390 АҚШ долларини жами 32 млн. сўмга сотганликлари аниқланиб, улардан жами 19.473 АҚШ доллари ва 750 минг сўм да-лийий ашё сифатида олиб қўйилди ҳамда Департаментнинг суру-тирув бўлими томонидан жиноят иши кўзга тилиди.

Натижада, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг ҳукмига асосан, Б.Ғафуров ва М.Ҳошимовларнинг ҳар бирига 5. 608 минг сўмдан жарима тайинланди. Далилий ашё сифатида олинган 19. 473 АҚШ доллари ва 750 минг сўм ҳамда тadbир жараёнида Б.Ғафуров бошқарган «KIA FORTE» русумли автма-шина жиноят қуроли сифатида давлат тасарруфига ўтказилди.

Ш.АБДУЛЛАЕВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари

Жиззах туманидаги «Мархабо» фермер хўжалигининг раҳбари Меҳри Эрматов бу йил пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган «Замонавий ўзбек қишлоқ аёли» танлови ҳамда фермер аёллар эриш-ган ютуқлар кўргазмасида катнашиб, «Энг муваффақиятли фермер — она» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

У тadbиркорлик фаолиятини бошлаганига қариб ўн йилдан ошди. 2006 — 2007-йиллари «Меҳр нури» жам-ғармасидан 3 миллион, кейинги йили эса 5 миллион сўм кредит олиб чорвачиликни ривожлантирди. Меҳри опа бу йил 10 миллион сўм кредит олишни ният қилган. Сутни қайта ишлайдиган корхона очиб, қўллаб аёлларни иш билан таъминламоқчи.

— Меҳри опа, аёллар-ни иш билан таъминлай-ман деб эркакларимизни дангасга қилиб қўймай-сизми?

— Фикрингизда жон бор. Чиндан ҳам бугун кўп эр-какларимиз пул топиш ба-хонасида оиласини ташлаб, хорижа кетишмоқда. Кам-дан-кам холларда улар оиласини пул билан таъмин-лаб турибди. Қолганлари эса... Маҳалламизда қизим-нинг бир дугонаси яшайди. Унинг эри ҳам рўзгорини ташлаб ишлаш учун Россия-га кетган. Бирор марта ҳам пул юрбормаган. Ха деса, «Россиядан ўзим келолсам ҳам катта гап» дермиш.

Ахир

Журнални варақлаганда

Эзгу мақсадлар, демократик кадриятлар тимсоли



Дастлабки мақолаларда муаллиф-лар инсон ҳуқуқлари, уларни амал-га ошириш усулларига кенг тўхта-лан. «БМТ Бош ассамблеясининг Ин-сон ҳуқуқлари соҳасида халқаро таъ-лим йўлига бағишланган резолюция-сида таъкидланганидек, ҳар бир ин-сон — аёл, эркак ёки бола ўз ин-соний салоҳиятини тўла намоеъ эти-ши учун барча ҳуқуқ ва асосий эри-кинликларидан хабардор бўлиши керак» — дея изоҳлайди таҳрир хайвати «Эзгу мақсадлар ва демок-ратик кадриятлар тимсоли» номли мақолада.

Халқимиз бир қунлик адолатни минг қунлик ибодатга тенг бил-ганлиги ҳикматлардан маълум. «Инсон, унинг қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқи — муқаддас» номли мақолада фикримизга ҳамоҳанг тарзда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Инсон ҳуқуқлари деган туйунча бизнинг заминимизда кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, балки диёримизда асрлар

тўқинчиликда ўсганлигим учун бироз қийналдим. Қарасам, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Бунинг устига оила теб-ратиш мен уйланганчалик осон иш эмас экан. Шу боис ма-

янада ривожлантириб, Мех-рибонлик уйлариини сут-қатик билан таъминлаш. Меҳри опанинг ниятлари-га хайрихолик билдириб тур-ганимда ёнимдаги аёл ҳам суҳбатга қўшилди.

Муқаррамхон Маматова: — Мазкур кўргазмада на-фақат мода ва дизайнлик фаолияти билан шуғуллана-диган, балки далага чиқиб қўлларни кабарган, офтоб ти-ғида юзлари қорайган фер-мер аёлларни кўзга туриб, уларнинг қалбидаги назокат-ни, меҳр ва шижоатни кўрдим. Шунингдек, ҳар бир қишлоқ аёлининг муносоиб тақдирланганига ғувоҳ бўлдим. Қаранг, аёллар уйда ўтириб қолмаслиги учун тур-ли хил номинациялар ташкил этилган. Биласизми, сизга ёлқон, менга чин, уч қун да-вомида ўлим билан олишиб ётганим. Бугун эса мана шундай чиройли кўргазма-нинг ғувоҳи бўлиб турибман. Бундан шундай хулосага кел-димки, ҳаётда ғам ва шодлик ёнма-ён юрар экан. Демак, ҳар бир инсон умрида доим яхши ишларга бош қўйишга улгуриши керак. Ҳаммамиз осмонимизнинг мусофолити ва юртимизнинг тинчлигига шуқур қилшимиз шарт. Юрт-тинч бўлса, нафақат қишлоқ аёллари, балки барча инсон-лар севган юмуши билан машғул бўлиши мумкин.

Назира БОЙМУРОВОДА

Бор бўл, оқибат!

«Қўргонтёпа»га келинг...

Қўргонтёпа Сардоба туманининг энг чекка қиш-лоқларидан. Аҳолиси асо-сан қишлоқ хўжалик экин-лари, парвариши билан шуғулланади. Айнан шун-нинг учун ҳам бу ерда да-ромад манбаи бўлган то-морқа хўжалигини ривож-лантиришга, кўп болали оилаларни ер билан таъ-минлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йили 140 нафар кўп болали ва ёш оилга 25 сотихдан ер ажратилди. Саховатпеша инсонлар ёрдами билан 12 та кам таъминланган оила яшаёт-ган уйлариинг томи тўлиқ таъмирланди. 8 та кўп бо-лали хонадон қорамолли бўлди. Шунингдек, табиий газ, ичимлик суви таъми-ноти яхшиланди. Бир-би-ридан гўзал замонавий ин-шоотлар бунёд этилмоқда. Жумладан, 2 та умумтаълим мактаби, қишлоқ шифо-хонаси, алоқа бўлими, 14 та савдо тижорат дўкони ҳудудга чирой бағишляпти. Шу йил янги коллеж биносини қуриб, фойдала-нишга топшириш мўлжал-ланган.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда режа-лаштирилган ишлар кўп, — дейди, Қўргонтёпа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Алибек Қўшмонов. — Тadbиркор ҳамда мулкдорлар томонидан қатор маданий маърифий мажмуалар бунёд этилиши назарда тутилмоқ-да. Жонажон қишлоғимиз-ни обод этиб, ажойиб гўшага айлантириш нияти-дамиз.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

хисобланади. Халқаро меҳнат та-қилоти берган баҳо бўйича, дунёда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли ҳамда касб касаллигига ча-линиш муносабати билан ҳар қуни ўртача 5 минг одам вафот этар экан...

Бундай аянчли ҳолатнинг юрти-мизда учрамаслиги учун муаллиф: «...фермер хўжалиқларида ҳам меҳ-нат шароити тегишли қоида ва меъ-ёр талабларига мувофиқ бўлиши, ...баъзи ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўрганиш, меҳ-натда жароҳатланиш, касб касалли-қларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиши зарур... Ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароити таъминланиши ҳуқуқий таъминлаш мақсадида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси янги таҳрир-даги бешинчи қисм билан тўлдир-илиши лозим», — деган тақлифлари-ни билдиради.

Демократик кадриятлар тимсоли бўлган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлишни истасангиз, журнални бир кўздан кечиринг.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

Ўтмиш доғлари

Дунёнинг гултожи бўлиши инсон, афсуски, номига ярашмаган тубан ишларга ҳам қўли уриб туради. Ўз қавмдошини оддий буюмдек олди-сотди қилиш айнан одам боласига хос. Олам яралибдики, бундай разолат гоҳ ошқор, гоҳ яширин давом этиб келмоқда. Бугун ҳам ер юзиде қанчадан-қанча инсонлар одам савдоси қурбонига айланишапти. Ўзимизда ҳам айрим юртдошларимизнинг нафс илинжида ҳамқишлоғи, кўшниси, ҳатто, дўстини бошқа мамлакатларга алдов йўли билан олиб бориб пуллагани ҳақида эшитганимиз бор. Бундан қанча оилалар жабр чекаётганини сиз эмас.



# Тафраккур маназзули

ринча фоҳишаоналар орқали даромад олиш мақсадида фойдаланганлар. Кулларнинг аянчи кечмиши тўғрисидаги машҳур асар муаллифи Садриддин Айнийнинг «Кул савдоси» китобида мажбурий суратда фахш йўлига киритилган чўри тилидан қуйидаги воқеа хикоя қилинади: «Мени хивалик Мухаммад Каримбой карвонбоши бозордан сотиб олган эди. Мен ёш ва гўзал эдим. Авваллари карвонбошининг ўзи мен билан жинсий муносабатда бўлиб, кейинчалик ҳар хил амалдорлар ва пулдор йигитларни келтириб, менга қўша бошлади. Ниҳоят, гулафшон касалига мубтало бўлганимдан сўнг мени Бухорога келтириб сотиб юборди».

ган хўжайин, ўз қўлининг хотинидан тўлиқ фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлар эди. Одатда, эр-хотинли ва болали кул чўриларнинг нархи пастроқ бўлиб, савдонинг бундай шакли эса кул сотувчи учун, албатта, зиён эди».

Ана шундай йўл билан сотилган куллардан бирининг аянчи ўтмиши ҳақида Александр Борис исмли сайёҳнинг эсдалиги сифатида келтирилган воқеа кишини қаттиқ таъсирлантиради. «Мен Бухородан қочиб кетаётганимда бизнинг карвонимизда пул бадалига озод бўлган 8 та эронлик кул борлигини билдим, — деб ёзади у ўз кундалигида. — Улардан бири менга ўзининг қулликка тушиш тарихини гапириб берди. Қўлининг гапига қараганда, унинг оиласи уч бўлаққа бўлиниб, хотини бир қишига, ўғли билан қизи иккинчи кишига сотилган. Бироқ кўп ўтмасдан ўзи бир савобталаб киши томонидан сотиб олинди, худо йўлига озод қилинган. Лекин хотини ва ўғил-қизини озод қилиш учун кўп ҳаракат қилган бўлса-да, аммо урдасидан чиқа олмасди. Ниҳоят, энди мадад истаб Эронга кетаётган экан».

Кишилар онгидаги маънавий бузилиш шу тарихи инсон қадири ерга урилишига олиб келган. Афсуски, бу иллатдан қутулиш башариёт учун осон кечмайди. Ички шайтоний васаса, ботинда яшириниб ётган ёвуз иштиёқ қаршида одам боласи кўпгина ожиз қолади. Шу боисдан эзгулик ҳамиша тарбияботта муҳтожлик сезади. Қурраи заминда эзгулик овозини янада баландроқ янграш барча замоналар учун тафаккур қумидан муттасил фойдаланишни талаб этади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Ўқинг, бу қизиқ!

## Тош шартнома

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги музейида гаройиб бир экспонат сақланади. У дунёдаги энг биринчи тинчлик шартномасидир. Эрамиздан аввалги 1290 йилда ёзилган бу ноёб ҳужжат Миср Фиръавни ва Хеттлар подшоҳи томонидан тузилган. Қизиқиш шундаки, шартнома тошга битилган, матн сўнгиде имзо ўрнига икки давлат ҳукмдори рамзи — шахсий белгилари қўйилган.

## 39 кун денгизда

Никарагуалик Артуро Маллянос 39 кун денгизда қолиб кетди. Гап шундаки, 25 ёшли балиқчи икки ўртоғи билан кичик кемада овға чиқшганди. Кемани бошқариб бўлмаётган солга, улар унча қатта бўлмаган оқ ясашади. Тез орада сув ва озиқ-овқатлари тугайди. Икки ҳамроҳи оқликдан ҳалок бўлади. Артуронинг айтишича, ақуллар солга қайта-қайта ҳужум қилган. Унига ишонч ва сабр бардоши унинг омон қолишига имкон берди. 39 кундан сўнг мексикалик балиқчилар уни қўриб қолишади.

## Жасур бугу

Урмончи Куруч чалажон бугуни топиб олади. Уни уйига олиб келиб парваришлайди. Тез кунда у кучга кириб ўй ҳайвонлари, айниқса, итлар билан дўстлашиб кетади. Бугу-ч итлар билан бирга ўйнаб, бирга ётса-да, бошқа-бошқа овқатланган. Чунки у гўшти ва балиқли таомларни ёқтирмайди.

Орадан бир неча йил ўтган, бугу билан ёнма-ён усган қўйларга бўрилар ҳужум қилади. Итлар қаяққадир кетган, одамлар уйқуда эди. Қўйларга ташланган бўрига бугу қарши чиқди. Икки ўртада олишув бўлди. Бу орада одамлар уйғониб, итлар етиб келишди. Шундан кейин бугу одамлар «Жасур» деб ном берилди.

Бир вақтлар инсоннинг инсон томонидан сотилиши ва сотиб олиниши оддий ҳол бўлган. Кулларга эгасининг мулк сифатида қаралгани ҳам рост. Қўлэма манбалари ўрганганда, қозихоналарда юритилган ҳужжатларда куллар устидан олиб борилган олди-сотди муносабатлари акс этганини кўриш мумкин. Ҳар бир амалга оширилган кул савдоси қозихоналар томонидан расмийлаштириб берилган. Тарихчи Т.Фазиевнинг 1990 йилда «Шарқшунослик» тўпламининг 1-жилдида нашр қилинган «Ҳужжатларни varaқла-ганда» мақоласида шундай ҳолатларни акс эттирувчи далиллар келтирилган. Улардан сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келиб чиқадиغان низолат тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Бунга қўпинча, эгаси томонидан қўлининг нуқсонни яшириб сотилиши сабаб бўлган.

Касал ёки нуқсонли кул ёки чўрининг айбини яшириб сотишга нисбатан қонуний чекловлар бўлишига қарамай, амалда бошқача йўл тугтилаверган. Агар ундаги нуқсонлар биллиниб қолса, яна ўз эгасига қайтарилган. Масалан, «Жўнг ва васойик ва маҳзарот ва фароз» («Васойикалар, даво хатлар ва фарзалар тўплами») номли қўлэмадаги бир ҳужжатда: «Менга асли ироқлик Гуландом номли бир чўрини 20 ашрафий (Бухорода зарб қилинган олтин танганинг номи) қизил олтин бадалига сотган эди. Шундан сўнг мазкур чўрининг аввалги хўжайинидан хомиласи борлиги менга маълум бўлди. Мен аввал бундан бе-хабар эдим. Шунинг учун шариатда мувофиқ, чўрида нуқсон содир бўлгани сабабли ўз чўрисини қайтариб олиб, мен давоғарга олтинларимни қайтариб бериши лозим», дейилади.

Дарвоқе, кул ва чўриларнинг ҳаёт тарзига синчиқлаб қаралганда, улар хўжайин тарафидан тирик «буюм»га айланганлигини кўриш мумкин. Хўжайин ўз қўли ёки чўри-сини бировага ҳада қилиши, гарова қўйиши, мерос қолдириши, ижарага бериши ҳамда никоҳ маҳрига қўйиши мумкин бўлган.

Энг ёмони, эркак хўжайинларнинг ўз мулкида бўлган эрсиз чўрилар билан жинсий муносабатда бўлиш ҳолатлари кўп учраган. Ваҳоланки, шариатда хўжайин ўз чўрисига ёки қўлининг ўз хўжайинига (хўжайин хотин киши бўлса) уйланиши мўжоз қилинган. Уйланиш зарурати вужудга келган тақдирда эса, хўжайин аввал қўлни ёки чўрини озод қилиши талаб этилган. Аммо бундан қонун-қоидаларга қўпинча риоя қилинмаган.

Ҳатто, баъзи имонини ютган кимсалар чиройли чўриларидан яши-

### Мудҳиш жиноят



Халқимизда «Ўзга элнинг боғи билан боғчаси, ўз юртининг янтоғича қўринмас» деган нақл бежиз айтилмаган. Мўмай даромад илинжида олис улқаларга кетиб, сарсонун саргардон бўлиб қайтиб келган ҳамюртларимиз бу мақолнинг ҳаётийлигини яна бир бор хис этдилар. Қарши туманининг Нукробод кишлоғида истикомат қилувчи Насриддин Рўзиев, Аъзам Қурбонов ва Қахрамон Ҳазраткуловлар бировларнинг ҳавойи ваъдасига учиб, Россия давлатининг Воронеж шаҳрида мусофирлик азобини торттишди.

## Алданиб қолманг яна...

... Ўтган йилнинг 6 июл куни шу кишлоқда яшовчи Асрор Самадов бир гуруҳ танишларини атрофига тўплаб, уларнинг қўлини пуч ёнғоққа тўлдирди. — Россияга бориб ишлашни хоҳлайсизларми? Бажонидил ёрдам бераман. Воронеж шаҳри яқинидаги Латнда посёлкасида дурустгина гишт заводи бор. — Шарт-шароити қандай? — сўради кишлоқдошлари. — Ойига 600 доллардан кам иш ҳақи олмайсан. Етоқ тайин, озиқ-овқат, кийим-кечак билан қорхона таъминлайди. — Зўр-ку, — дейишди дўстлар қувониб. — Фақат йўл қира учун 350 минг ва бошқа харажатлар учун 1500 Россия рубли қараб бўлади. Шундай қилиб, Аъзам Қурбонов, Насриддин Рўзиев, Қахрамон Ҳазраткулов ва Ковчин кишлоғидан яна 8 нафар киши йўлга тушишди. Ҳамма машмаша Воронежга борганда бошланди. Қорхонадаги ўзбек йигитлари оғир шароитда меҳнат қилишарди. Сўгкасига 14 соат иш, ейиш-ичишининг тайини йўқ, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам насия эди. «Завод қризисга учради», деб дўстларини чапигитган А.Саматов уларни бир муддат Новороснеждаги қурилишларда ишлатди. У ерда ҳам иш ҳақларини ололмаган йигитлар катта қийинчиликларни бошдан кечириб, уйларига қуруқ қўл билан қайтиб келишди. Жабрланганларнинг мурожаатларидан сўнг олиб борилган тергов ҳаракатларидан кейин қаллобликка нуқта қўйилди. Қонунни назар-писанд қилмай, одамларнинг ҳақ-хўқуқларини поймол этган А.Саматов жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг ҳукмига асосан қилмишларига яраша жазоланди. Шаҳрисабзнинг Шаматон фуқаролар йиғинига қарашли Қум кишлоғида туғилиб ўсган Уткир Раҳмонов ҳам бир гуруҳ йигитларни алдаб, Алмати шаҳрига олиб боради. Талимаржон шаҳрида яшовчи С.Худойкулов, Т.Мавлонов, Э.Худойкулов, Р.Мавлонов, З.Турдиев, С.Мансуровлар Уткир Раҳмоновнинг пуч ваъдаларига учиб, унга эргашганди. Улар Уткир билан бирга Гиштқўлприк чегара постига етиб келгач, У.Раҳмонов ишга борувчиларнинг паспортларини йиғиб олиб, рўйхатдан ўтказдиради ва уларни шу ерда овқатлантиради. Сўнгра «Пўлат» ва «Эрмахон» исмли қозоқ йигитларига топширади. Улар эса йўлнинг қўлдек ишлатиб, бир тайин ҳам беришмайдди. Охири-охири ҳаёти саргардонлик билан кечган талимаржонлик йигитлар ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишди. Суриштирув, тергов ва суд жараёнида Уткир Раҳмонов ўзгаларнинг 5.800.000 сум пулини алдаш ва фирибгарлик билан қўлга киритганлиги аниқланиб, жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг ҳукмига асосан қилмишларига яраша ўз жазосини олди. Содда йигитлар пихини ёрган фирибгарнинг тузоғига илиндилар. Яхшиямки, бундан ҳуқуқ-тартибот идоралари хабар топиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, иш ҳақларини ундириб беришди.


Изаат ХИКМАТОВ, «Ishonch» муҳбири

### Тасанно Ишнинг кўзини билганлар

Ховос туманидаги Фарход қишлоқ фуқаролар йиғинида ибратли ишлар амалга ошириляпти. «Оқ оёқ» МҲЖ жамаиати раиси Раҳматилла Қаршибоев билан ҳамкорликда собиқ 71-автожамланма ҳовлисиде мол бозори ташкил этилди. Унинг ёнида эса автоуловларга техник хизмат кўрсатиш, газ усқуналари ўрнатиш шохбчалари фаолият юритапти. Мол бозори яқинида аралаш моллар, қурилиш ашёлари, озиқ-овқат билан савдо қилувчи дўконлар ишга туширилиш арафасида. Худудда томорқадан фойдаланишга эътибор катта. Чунонки, Ислом, Қайрма, Қўшқанд, Увоқ, Чирой, Пашии, Пастки Қайрма, Қўзи Такаев, шунингдек, Навоий номли маҳаллалардаги 1050 та хонадонга 193 гектар ер ажратиб берилди. Тажрибали сохиборлар А.Усаров, Р.Маликов уларига қарашли 25-30 сотих томорқадан йилга 2,5-3 миллион сўмдан даромад олапти. Чирой, Пашии қишлоқларида А.Одиров, У.Бердиев, С.Салимов, Э.Абдурахмоновлар асаларичилик билан шуғулланиб, барака топаётди. Фуқаролар йиғинида тадбиркорлик ҳам кенг қанот ёзмоқда. Жумладан, тадбиркор С.Қўзйбоев уйда тикувчилик қизи ташкил қилиб, 10 нафар кичи бичиш-тиқиш сирларини ўргатмоқда. А.Пирназаров эса йўл бўйидаги бузилиб кетган бекатни янгидан тиклаб, унинг ёнида сартарошхона ва озиқ-овқат дўқони қурапти. «Отабой» фермер хўжалиги раҳбари А.Отабоев кам таъминланган Т.Мирфазлов оиласига бир бош соғин сғир соғга қилди.

Пиримқул ДУСТМАМатов, «Ishonch» муҳбири

### Биласизми?



## Жон муқаддас неъмат

Бундан 5-7 минг йил муқаддам бугу арпа, шили сингари бошоқли ўсимликлар, 4 минг йил илгари эса маккажўҳори ва тарик маданийлаштирилиб, ундан нон тайёрлаш усули кашф этилган. Одамзод нонга бўлган эҳтиёжини «даррахт нонлари» ҳисобига ҳам қондирганини айтиб ўтиш жоиз. Бу даррахтнинг номи атрокарпус интегро бўлиб, ҳозир ҳам Африка аҳолиси ундан фойдаланади. Статистик маълумотларга қўра, ҳар кун ўрта ҳисобда 400 грамм нон истеъмол қилар эканми. Бир йилда бу кўрсаткич 144 килограмми ташкил этади. Бир килограмм нон учун тўрт квадрат метр ер майдонига бугдой парварилаш керак бўлади. Демакки, бир кишини йил мобайнида нон билан таъминлаш учун 0,575 гектар ер майдони зарур экан. Энг азиз неъмат қандай кашф этилганини ҳамма ҳам билвермас керак. Бу ҳақда табиатунос олим К.Темирязев шундай деган эди: «Кўлдан бўён аёнки, биз гоат ажайиб воқеаларга ҳам беварқ қарайдиган бўлиб қолганмиз. Ахир, бурсилдоққина пишган бугдой ноини синдириб ёвганимизда, мана шу неъмат ҳам инсон тафаккурининг буюк кашфиётларидан бири экани ҳамминанг ҳам ёдига келавермайди». Дарҳақиқат, илбидий одамлар даставвал донларни бошоғи билан чўғ устида қовуриб еганлар. Йиллар ўтиши билан улар донни бошоқдан ажратиб, тош ёки қўлтегирмонда туйганлар. Нон ёпишни билишмагани учун

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида хикоя қилувчи бир филмда болақай: «Солдатларга қўшиқ айтиб берганим учун улар менга қовун пўчоғи билан қўйган нон беришди», дейди қувонч билан. Халқимизда нонни эъзозлаш, уни исроф қилмаслик ҳуқусида қўллаб ривоят ва мақоллар мавжуд.

уни қайнатиб еганлар. Хиндистон, Ветнам, Япония, Корея, Хитой ва Осиёнинг бошқа минтақаларида яшовчи халқларнинг қайнатиш усули нон ўрнида турли овқатларга қўшиб тановул қилиш, қўчманчи араб қабилаларида ҳаммири қўзидирилган мис қозонга ёпиштириб нон пишириш аъёналари ҳозир ҳам бор. Хамирни офтобда тоблаб, истеъмол қилиш эса хиндистонликларга хос. Нон шаклининг тарихи ҳам узок ўтмишга бориб тақалади. Унинг одатдаги думалок шакли қадимги Шумер нероғлиқлариде учрайди. Қадимда нон билан қўш бир белги орқали ифодалангани уларнинг бирдек муқаддас эканидан далолат. Шу сабабли қадимги аждодларимиз қўшга сийғиш билан бирга нонни ҳам муқаддас деб билганлар. Бир вақтлар нон, бугдой, гуруч каби дон маҳсулотлари товар айрибюшашда тўлов вазифасини ўтаган. Масалан, қадимда юртимизнинг баъзи худудлариде мардикорларнинг иш ҳақига пул эмас, нон билан тўлов бериш одат бўлган. Бажарилган ишнинг оғир-ёнгилигига қараб, кунига 1 тадан 10 тагача нон беришган. Тарихда нон билан боғлиқ қўпгина қизикарли воқеалар ҳам учрайди. Римда новвойларнинг мусобақаси ўтказилган. Энг аҳси нон тайёрлаш ва қўллаб шогирд этиштирган новвойларга тирикликнидаёқ ҳайкал ўрнатилган. Номьялум новвойга қўйилган ана шундай ҳайкал, мана, 2000 йилдирки, Рим шаҳри хибобларидан бирига қўрқ бағишлаб турибди. Қадимги Византия эса ўзининг нонга бўлган ҳурматини пойтахт марказий майдониде гуллар билан эмас, балки барқ уриб турган бугдой майсалари билан ифодаляйди. Майсалар яшаб турган майдонга қолган киши одатда қўра, бугдойзорга қараб бош эгиб, тазвим қилиб қўяр экан. Бу дунёда Аллоҳнинг одамзодга берган нон-неъматлари бисёр. Шулар ичидан доннинг макъеи бузакча. Уни асраб-авайлаш, уқол қилмаслик ҳар биримизнинг тушунчамизга боғлиқ.

Элбек ХАЙИТОВ

### Огоҳлик

Инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши, азалдан жуда катта салбий оқибатларга олиб келган. Шу бонс антик даврдан тортиб айни кунгача унга қарши кураш олиб борилади.

Матбуотда тез-тез кўзга ташланаётган мақолаларни ўқиб аввалига ҳайрон бўласиз. Наҳотки, бу муаммонинг қўламини шунчалик кенгайиб кетган?! Дарҳақиқат, унинг орқасидан мўмайгина даромад олаётган «қора қулар» ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва кўпроқ пул ишлаш илинжида ҳеч нарсадан тал тормапти. Катта вадаларга учиб, қандайдир «сахий хомийлар»нинг ёрдами билан хорижга чиқиб кетаётган одамлар (асосан, қизларнинг қис-

## Одам савдосига қарши фаолият кучайтирилди

мати қай даражада фожиали кечаётгани ачинарли ҳолдир. Уша хомийлар сарфлаган пулини фонзи билан қираб олиш учун миқозлари нин кул сифатида сотиб юбориши кўпчиликка маълум. Аммо ҳамон бу ҳолат доллароблигича қолмоқда. Негаки, нафс деган бало ҳеч қачон инсонни тўғри йўлга бошламаган.

Республика Суд департаменти ва унинг худудий бошқармалари томонидан бу борада самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг апрел ойида бўлиб ўтган «Суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда сифатли ёритиш


Бекзод МАМАНОВ, Суд департаментининг Шайхонтоҳур туман суд ижросиси

Мушоҳада

ГЕРОСТРАТДАН ДОН КИХОТ САРИ...



Шайх борица кўпроқ одамларга бахт ҳада қилган киши энг бахтиёр инсондир. Дени ДИДРО



Йўлга тушдик...

Хофизнинг сохир овози қўлоқларим остида жағрайди: «Эгилганга эгил-у, керилганга керил». Лекин ҳаётда эгилганга керилган-у, керилганга эгилганини кўп учратдим. Начора, ҳар ким ўз билганича яшайди...

Саволлар бекати...

Ҳаётда Дон Кихотлар борми? Айнисса, ҳозиргидай ўз манфаати учун кураш авж нуктага етган паллада! Бетаъма яхшилик қилмоқ шунчалик мушкулми? Нега кўпинча бировга ёрдамимиз тегиши мумкин бўлган вазиятда ҳам бу имкониятдан етарлича фойдаланмаймиз? Худбинлик кон-кониимизга сингиб кетганимиз?

гадир манфаатсиз садақа қилиш лозимлигини ўқтирмайди. Асло! Шундай яхшилик қилиш керакки, ҳатто у туфайли келажак савобини ҳам унутиш лозим. Бу вазифа эса таъма тоғини йўқитиб ўтишга қорлайди... Юнон файласуфи Сенека ёзади: «Яхшиликдан яхшилик кутиб эмас, яхшилик учун яхшилик қилмоқ лозим. Чунки, инсон бундан чексиз хузуур-халоват олади».

Манзил манзил қўриқлари...

Фикрларимизга хулоса ясаш пайти келди. Ҳар бир инсон ўз гурури — кадр-қиммати ва ор-номусини сақлаган ҳолда бетаъма яхшилик қилганида борми, олам гулистон бўлар эди. Манфаат фақат ўз фойдасини ўйлаш дегани эмас, унинг таъмадан фарқли томонлари бор. Бу йўл эса бизни анча қийинчиликларга дучор этади. Бироқ бу йўл сўнггида Халоват манзили кутади. Шундай экан, сафар давомида бир-биримизни ардоқлаш, қўллаб-қувватлаш ҳар биримизга на-сиб этсин.

Аҳдам АРСЛОН

Футбол

— Нима бўлса ҳам, биз рақибимизга қарши барча чораларни кўриб қўйганмиз ва воқеаларнинг ҳар қандай ривожланишига тайёрмиз. Бу ҳал қилувчи учрашув ва унда ҳар нарса бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳушёр туриш ва диққат-эътиборни бир жойга йиғиш талаб қилинади. Биз учрашувга 100 фоиз тайёрмиз, — деган эди Баҳрайн-Ўзбекистон терма жамоалари учрашуви олдидан мезбонлар бош мураббий Милан Мачала.



Энди навбат Ғалабага

мағлубият серияси тугади

ЖЧ — 2010 саралаш доирасидаги гуруҳимиздаги сўнгги учрашув Мачала жамоасининг ғалабаси билан якунланди: Баҳрайн — Ўзбекистон 1:0. Ярим ҳимоячи Маҳмуд Абдулрахмон жарима тўғриси аниқ бажариб, жамоасига ғалаба келтирди.

ёпилиди. Бироқ олдидан 2011 йилги Осиё чемпионати саралаш баҳслари, 2010 йил Хитойда ўтадиган 16-Осиё ўйинлари турибди. Демак, ҳали умид бор... Бу йил куз фаслида ёшлар терма жамоамиз Мисрда ўтадиган жаҳон чемпионатида омадини синиб қуради. Қитъада совриндор бўлган вакиллари-миз жаҳон майдонида ҳам ўз сўзини айтишга қодир. Ана ўшанда миллий терма жамоамиз янада янги номлар билан бойийди. Улар нафақат йиғинларга қасрилади, балки уларга кечагидек расмий ўйинларда қаттиқ ишони билдирилади. Ана ўшанда амалга оширилган ёшлар терма жамоамизнинг ҳар бири ўшанда жаҳон чемпионатида омадини синиб қуради. Қитъада совриндор бўлган вакиллари-миз жаҳон майдонида ҳам ўз сўзини айтишга қодир. Ана ўшанда миллий терма жамоамиз янада янги номлар билан бойийди. Улар нафақат йиғинларга қасрилади, балки уларга кечагидек расмий ўйинларда қаттиқ ишони билдирилади. Ана ўшанда амалга оширилган ёшлар терма жамоамизнинг ҳар бири ўшанда жаҳон чемпионатида омадини синиб қуради.

ЧОРРАҲА Фикрлар кесишган сарҳад

Муштарий мулоҳазаси

Ҳар нарса меъёрида яхши

Коллеждаги дарсларимни тугатиб, уйга қайтаётганим. Бехосдан талабаларнинг суҳбати қўлоғимга чалинди. — Кеча интернет-кафега борганим. Чатга кириб, бир қанча хат ёзишдим, роса ўйнадим. Юр, бугун ҳам борамиз.

эшикларини очиб турибди. Бироқ биз қайси эшикни очганимиз керак? Очқ эшикларнинг ҳаммасида ҳам бизга керакли маълумотлар борми? Аксарият элдошларимиз компьютер кўмагида ўз ишини амалга оширмакда, дунёнинг қўллаб-қувватлари билан алоқа ўрнатаёпти. Интернет-кафега ҳар доим гавжум.

оқибати нима бўларкан? Ўйинларнинг аксарияти ур-сурлардан иборат. Бу ёшлар саломатлигига, фель-атворига қалбий таъсир қилмасмикан? Ҳар нарса меъёрида бўлгани яхши. Эртага атанг, деб қолмаслик учун бугун вақтнинг қадрига етиш керак!

Дилфуза ҲАСАНОВА, Урганч тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Самандар Воҳидов Бухорои шарифнинг олимлар маскани Шофирқонда туғилган. Ширининг «Кафтида гул», «Қатраларда нур ёнади», «Оламдан ранг излаб» каби китоблари, уч жиллик «Сайланма»си нашрдан чиққан. У Ўзбекистон ёзувчилар уюмисини аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Унинг таржимасида Калининстон халқ шoirи Давид Кугултинининг «Ғаройиб ҳуш», Тожикистон халқ шoirи Дойк Шералининг «Муқаббатим», 10 — 20-асрларда Бухорода яшав жод этган форсийзабон шoirлар шеърларидан иборат «Бухорийлар бўстони» каби китоблар ўқувчиларга тўхфа этилган.

Умид қилдимки... Кўйингда кўкни тарқ айлаб, заминга тушган ахтар ман, Умид қилдимки, меҳрингга бўларман деб муъассар ман. Вале, бўстонгамас тушимди тўзонлар тўзган чўлга, Аросат даштида жаннат хаёлидан мунавварман. Изинг топмай йўқотдим-ку, бу қандай бир йўқотмоқки, Топиб билмаслигим билгум, билиб, тинмасдан изларман. Қошимда қайнаган чашма мени четлаб оқар, ё раб, Саробга талпиниб, дарёга етгандек музаффарман. Карам султонисан дерлар, карам кўргузмадинг бир бир, Қарорда барқарордирман карам кутгум муқаррар ман. Боши тошга тегиб, кўзи очилгай деб, қирланма, Шу тош кўксингда ўт ёқмоқ учун келган Самандарман.

Хавотир олма

Хавотир олма, эй кўнгли, кўн оқиб сўқирлардан, Уларда кўз эмас, дил бор — халос таъма, қирлардан. Улар ҳеч кимга туртинмас, улар дил қўн-ла кўргай, Изнда битта гул синмас, ўтаркан қир, адирлардан. Хавотир ол кўзи очки, вале кўрмай оёқ остин, Самога тумшуги усту — кўнгли кўзлари кўрлардан. Булар — йўл бўлса ҳам текис — бировини ўтмас яниб, Халоват туймағай ҳаргиз, тўр рохат жабрлардан. Хавотир ол ишини тўтса — чикиб йўлбарс никобиди, Иши тўтса — қовош кўй терсин кийган «фақир»лардан. Агар бир манфаат йўқдир, ота хожин тавоф эмас, Агар бир манфаат севса суқ жамлар қабрлардан. Ҳазир бўлгин, ай кўнглим, бу дунё бир умр дилхун Кабирликдан айхоаннос солиб юрган сағирлардан. Самандар ВОҲИДОВ

Саломатлик сабоқлари

Чаёнўт газанда ўти, сўзанак, қичит-чи каби номлар билан юритилади. Унинг илмий номи лотинча «урере», яъни «чақадки» маъносини англатади. У кўп йиллик, посяи тик ўсувчи, бўйи 60-120 см.га етадиган ўсимлик. Гуллари майда, яшил, меваси тухумсимон, сариқ тусли ёнқоқча. Чаёнўт тўқчалар билан қопланган. Улар тангага текканда ўсимлик таркибидан чумоли кислотаси ажралиб, танани чақиб олади, ачитади, терини қичитади. У май-сентябр ойларида гуллайти ва меваси пишади. Гуллаганда барглари қўлқоп билан йиғиб олинади, сўнг сояда (кунгай жойда эмас) сўнгитилади. Гиёҳ сўлиганда туқларининг чаконгич хусусияти йўқолади. Табобатда кўпинча барги ишлатилади. Абу Али ибн Сино: «Чаёнўлни сирак билан кўшиб боғланса, йирингли шишларни ёради ва уларга фойда беради», — деб ёзган. Уруғи, кули саратон (рак) касаллигига наф беради. Кули туз билан кўшиб қўйилса, ит тишлашдан пайдо бўлган яраларга даво. Янчилган барги бурун қонашини тўхта-

тади. Бунда зубтурум — баргизуб барги билан омихта қилиб, шираси бурунга томзилса яхши наф беради. Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтирамиз. Т. исмли киши 60 йил умри давомида доимий равишда бурниндан қон келиб турган. У чаёнўт ва зубту-

рум ширасидан шифо топди. Пахтага шимдирилган ширани бурун катакларига қўйган. Бу муолажа бир неча марта такрорланган. Ишонгингиза келмайди, олдий гиёҳ ёрдамда 60 йил азобда юрган бемор дарддан фориг бўлди. Мабоодо, янги ўсимлик бўлмаса, қуруқ гиёҳлардан тайёрланган давламани қўллаш мумкин.

Чаёнўт давламаси, қайнатмаси, шираси мевда (ошқозон), жигар, сил, кўкйўтал, бод, турли қон оқилар, буйрак хасталикларига қўлланган. Халқ табобатида гиёҳ пешоб ҳайдовчи, қон тозаловчи, шамоллашга қарши, яраларни битирувчи омил сифатида ишлатилади. Нонга гиёҳнинг кўк барги кўшиб истемвол қилинса, ич-буруққа даво бўлади. Бавосил, кўкрак оғриги, нафас қишишида фойдали. Балғам кўчирувчи, ҳароратни туширувчи восита сифатида тавсия этилган. Тиббиётда чаёнўт бактерияларга қирон келтирувчи, томирларни торайтурувчи, ёғ алмашинувчи меъёрга солувчи, темир моддаси, тузларнинг қон ишлаб чиқариш жараёнига яхши наф келтирувчи восита сифатида қўлла-нади. Бундан ташқари, чаёнўт ҳид билиш аъзоси фаолияти сувайганда фойда қилади. Сурункали кабзиятда, гиповитаминоз, яллиғланишининг олдин олувчи, она сутини кўпайтирувчи, парিশонотирлик сингаги хасталикларни даволашда ишлатилади. Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос



Чаёнўт хосияти

Ким биллур совринга эришади?

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги чорак финал учрашувида «Хоразми» қабул қилган «Насаф», йирик ҳисобдаги ғалабага эришди — 4:1. Энди Виктор Кумиков шогирдлари ярим финалда, 7 ва 30 июл кунлари «Бунёдор» жамоаси билан финал йўлланмаси учун баҳс олиб боради. Чорак финалнинг қолган учрашувлари натижалари билан танишинг: «Нефтчи» — «Кизилқум» — 3:0, «Бунёдор» — «Шўртан» — 2:1. «Пахтакор» — «Бухоро» учрашуви 7 июл кунга ўтади. Иккинчи ярим финал санаси: 26/27 ва 30 июлга белгиланган. Унда «Нефтчи» жамоаси «Пахтакор» — «Бухоро» клублари ўртасидаги ўйин ғолибига қарши майдонга чиқди. Ярим финалларда дастлабки ва жавоб ўйинлари қайси клублар майдонида ўтиши қуръага кўра аниқланади. Финал баҳси эса 8 август кунини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Шацких козок клубида

Максим Шацких расман «Локомотив» (Астана) аъзосига айланди. Астаналиклар Шацкихга қўшиб Тимур Холмуродов ва Мадийр Муминовларни миллий футбол лигасидан «Завқ»дан ўтказишга муваффақ бўлди. Максим Шацких Козогистон премьер-лигасида ўзининг севимли 16-раками остида тўп суради-ган бўлди. Ақмал АБДИЕВ тайёрлади

Logo of Ishonch newspaper and a list of names under various categories: Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi; Bosh muharrir: Abdurazzoqov; Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV; Jahongir SHAROFBOYEV; Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIIAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysulov NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV; Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar; Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy; E-mail: mail@ishonch.uz; Nashr ko'rsatkichi: 133; Navbatchi muharrir: A.Qodirova, N.Maxamov, Musahhih: S.Shodiyeva; Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullailov; «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtali nazardan farqlanishi mumkin. (h) - Tijorat materiallari; Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 18.00; Byurotma G — 557; 18263 nusxada bosildi; ISSN 2010-5002; 1 2 5 6